

100

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакургана
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2018 у.г. «13» июль

№ 1263-К

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Каттакўрғон шаҳар “KING OF THE GOLDEN EMPIRE” масъулияти чекланган жамиятига давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида “Соғломлаштириш маркази ва давлат хизматлари маркази” биносини қуриш учун А.Темур кўчаси атрофидан 0,2 га ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги туманлардаги (шаҳарлардаги) Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида Каттакўрғон шаҳар А.Темур кўчаси атрофидан Ўзбекистон Республикаси адилия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари ағетлиги Самарқанд вилоят бошқармаси Каттакўрғон шаҳар Давлат хизматлари марказига давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида янги маъмурий бино қурилиши учун шаҳар ер танлаш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб, Каттакўрғон шаҳар “KING OF THE GOLDEN EMPIRE” масъулияти чекланган жамиятининг 2018 йил 12 июлдаги № 1 – сонли хатини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6,23 – моддалари, “Шаҳарсозлик” кодексининг 38, 53-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асослаб;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги туманлардаги (шаҳарлардаги) Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ-3701-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида давлат – хусусий шерикчилик шартлари асосида “Соғломлаштириш маркази ва Давлат хизматлари маркази” биносини қурилиши бўйича шаҳар ер танлаш комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар “KING OF THE GOLDEN EMPIRE” масъулияти чекланган жамиятига давлат – хусусий шерикчилик шартлари асосида Каттакўрғон шаҳар А.Темур кўчасидан шаҳар бош режаси асосида “Соғломлаштириш маркази ва давлат хизматлари маркази” биносини қурилиши учун ободонлаштириш режалаштирилган ер майдонидан 0,2 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати шаҳар ҳокимининг 2018 йил 23 майдаги 906-Қ сонли қарори бекор қилинсин.
4. Каттакўрғон шаҳар “KING OF THE GOLDEN EMPIRE” масъулияти чекланган жамиятига қурилиш ишларини вилоят архитектура ва қурилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ-

1), (АРТ-2) ва лойиҳа ҳужжатлари асосида ҳамда лойиҳа ҳужжатлари асосида ҳамда лойиҳа ҳужжатлари учун экспертиза хулосасини олиб, қурилиш лойиҳасини вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рўйхатдан ўтказган ҳолда амалга ошириш вазифаси топширилсин.

5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ҳамда Самарқанд вилоят "Ермулккадастр" ДКнинг Каттакўрғон шаҳар филиали (У.Туропов)га ажратилган ер майдонини тасдиқланган бош режа асосида жойнинг ўзи (натура)да ўлчаб ажратиб бериш, далолатнома тузиш ва шаҳар ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартириш қиритиш вазифаси топширилсин.

6. Вилоят "Ермулккадастр" ДК Каттакўрғон шаҳар филиали (У.Туропов) га давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида "Соғломлаштириш маркази ва давлат хизматлари маркази"га бино қурилиши учун ажратилган ер майдонига бўлган қуқуқни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Кенжаев зиммасига юлатилсин.

Шаҳар ҳокими:

М.К.Хашимов